

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ОҚЛАНИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯГА ЭРИШИШ



ҲУҚУҚИНГИЗ БОР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

СҮҮНОВА ДИЛБАР ЖОЛДАСБАЕВНА

**ОҚЛАНИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯГА
ЭРИШИШ ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

Рисола

Тошкент – 2021

УЎК: 343.234(041)(575.1)

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июндаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Д.Ж. Суюнова.

Оқланиш ва реабилитацияга эришиш ҳуқуқингиз бор. Рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 30 б.

Тақризчилар: **Б.Б. Хидоят** – Тошкент давлат юридик университети “Криминалистика” кафедраси профессори, юридик фанлар номзоди в.б.;
Н.Р. Касимова – жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси.

Мазкур рисолада оқлов ҳукми чиқариш асослари, шахсни реабилитация қилиш тушунчаси, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланиши бўйича қонун талаблари ёритилган.

Рисолада оқлов ҳукмининг қонуний асослари ва ўзига хос хусусияти, реабилитация қайси ҳолатларда келиб чиқиши, судланганлик ҳолатининг ҳуқуқий оқибатлари, уни тугатиш ва олиб ташлаш учун қонун талаблари суд амалиёти мисоллари билан атрафлича тушунтирилган.

Рисола талабаларга ҳамда қонун билан қўриқланган ҳуқуқларини ва манфаатларини билишни истайдиган фуқароларга тавсия этилади.

© Суюнова Д.Ж.

© Тошкент давлат юридик университети, 2021.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1. Оқлов ҳукмига умид борми?	5
2. Реабилитация дегани нима?	19
3. Судланганликни олиб ташлаш учун нимани билиш керак?	23
Фойдаланилган адабиётлар	29

КИРИШ


Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида қўйилган устувор вазифалар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга; одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган бўлиб, шу билан бирга оқлов ҳукмини чиқариш, судланганлик ҳолатининг тугалланишига боғлиқ бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, моддий ва процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади¹.

Бу борада жорий йилнинг 2 март куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонига мувофиқ қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, шу жумладан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш йўналиши давлатимизнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

¹ www.president.uz

1. ОҚЛОВ ҲУКМИГА УМИД БОРМИ?



ОҚЛОВ ҲУКМИГА УМИД БОРМИ?

Суд ҳукми – Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган одил судловнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади.

Қонунчилик бўйича суд томонидан юз берган ижтимоий хавфли қилмиш учун шахсга нисбатан **оқлов** ёки **айблов** ҳукми чиқариш ҳақида қарор қабул қилинади. **Оқлов** ҳукми айби бўлмаган шахсга нисбатан эълон қилинади, **айблов** ҳукми эса ҳақиқатдан жиноят содир этган шахсга адолатли жазо берилган ёки бошқа таъсир чораси қўлланилган ҳолда чиқарилади.

Оқлов дегани нима? Кўпчиликнинг тушунчаси бўйича оқланиш – бу ғараз ва тухмат мақсадларда одамнинг бошига тушган оғир юкдан халос бўлиш, ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши, ҳамманинг олдида ноқонуний айбланган одамнинг юзи ёруғ бўлиши, қонун тили билан айтганда, айбсизликнинг суд қарори билан исботланиши дегани.

Ноҳақ судланган, адолатсиз ҳукм қилинган ҳар бир инсоннинг оқланиши ортида нафақат унинг умри, балки у

орқали оиласи, қариндош-уруғлари, қолаверса, бир авлоднинг туҳмат ва маломатдан эгилган боши кўтарилиши ётади.

Ҳаётда асоссиз жазоланган, айбсиз айбдор бўлганлар, афсуски, йўқ эмас. Бундай инсонлар умрининг охиригача ҳақиқатнинг юзага келишини суддан умид қилади, номи оқлинишини истайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқук ислоҳотлари одамларда адолатга бўлган ишончни янада оширмоқда. Бундай ислоҳотлар, авваламбор, оқлов ҳукмини чиқариш билан боғлиқ судьяларнинг фаолиятидир. Олдинги йилларда судларда оқлов ҳукми жуда кам қабул қилинган эди. Бугунги кунда судьяларимиз жасорат кўрсатиб оқлов ҳукмларининг сонини ошириб, одил судловни ҳақиқий амалга оширмоқда. Оқлов ҳукмлари сонининг ортиши судьяларнинг прокурор қарорини эътирозсиз маъқуллаш билан чекланган тизимдан узоқлашаётганидан далолат беради. 2016 йили бор-йўғи олтига оқлов ҳукмлари қайд этилган. Бу рақам 2017 йилда 263 тани, 2018 йилда 867 тани¹, 2019 йилда оқланган шахсларнинг сони 859 тани ташкил этган², жорий йилнинг 6 ойи давомида 363 нафар шахс оқланган ва реабилитация қилинган³.

Бу рақамлар шунча инсонларнинг яшашга, ҳаётга бўлган умиди, ишончи қайта туғилганини англатади. Одамлар орасида “Адолат барибир қарор топади” деган сўзлар кўпаймоқда, неча оилада хурсандчилик, қувонч, хотиржамлик рўй бераётгани қувонарли, албатта.

Шу ўринда савол туғилади: нима учун ушбу шахс оқланди? Буни қонун нуқтаи назаридан асослашга ҳаракат қиламиз.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, унга нисбатан жиноят ишини кўзгатиш, тергов ҳаракатларини амалга

¹ <https://www.xabar.uz/huquq/>

² <https://www.pv.uz/uz/news/papers/>

³ <https://www.uznews/>

ошириш, суд жараёнида жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳукм эълон қилиш, суд қарорларига шикоят қилиш Ўзбекистон Республикаси **Жиноят-процессуал кодекси** (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) билан тартибга солинади.

Шахснинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ёки бундай қилмишни содир этмаганлиги масаласини ҳал қилишда унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси **Жиноят кодексига** (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги атрофлича ўрганиб чиқилиши керак.

Ана шу иккита кодекс судья учун энг керакли бўлган қонун ҳужжатлари, чунки шахснинг жиноят содир этган ёки этмаганлиги айнан ушбу қонун ҳужжатлари орқали ҳал қилинади.

Шахс фақат ЖК билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва ушбу айб суд мажлисида ўз исботини топган бўлсагина, айбдор деб топилиши мумкин.

Ушбу қоида халқаро ҳуқуқда, конвенцияларда айбсизлик презумпцияси деб аталади ва барча давлатларнинг асосий қонунларида бўлиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси **Конституциясининг** 26-моддасида ҳамда ЖПКнинг 23-моддасида айбсизлик презумпцияси белгиланган бўлиб, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши суд мажлисида қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмайди¹.

Албатта, судда кўриладиётган ҳар бир жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Шахснинг жиноят содир этганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил суд томонидан қонун нуқтаи назаридан баҳоланмоғи лозим. Шу билан бирга, ҳар бир

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

жиноят ишини судда кўриб чиқиш пайтида айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши шарт.

Кўрилаётган ҳар бир жиноят ишини судья виждони билан ёндашиб кўриб чиқади, чунки тўпланган жиноят иши нафақат ҳужжат, авваламбор, бу одамнинг тақдири, бола-чақаси, қариндош-уруғлари, ишлаётган жойидаги обрўи ҳамдир.

Шу сабабли, айб эълон қилинган шахсга оид барча муҳим ҳужжатларни, юз берган воқеаларни суд мажлисида атрофлича ўрганиб чиқиб, суд жиноят ишини ҳукм эълон қилиш билан яқунлайди.

Албатта, судьянинг иши жуда муҳим ва масъулиятлидир. Судья фақатгина катта иш тажрибасига эга, инсон тақдири учун катта масъулиятни ҳис қиладиган, ҳар томонлама ёндашадиган инсон бўлиши керак. Судья қонунларни яхши биладиган ва уларни тўғри қўллай оладиган юқори малакали юрист бўлиши ва фақат қонунга бўйсунуши шарт.

Маълумки, қози (судья) лавозими ислом ҳуқуқшунослигидаги ўзига хос мансаблардан бири саналган. Қози сўзи араб тилидаги “қазо”дан олинган бўлиб, луғавий маъноси “кесиш”, “ажратиш” ва “ҳукм қилиш” маъноларини англатади. Ҳанафий уламоларининг таърифига кўра, ўзига хос йўл билан хусуматларни ажратиш ва низоларни кесиш “қазо” деб юритилган. Замонавий тадқиқотларда “қозилик” деганда маҳкама, яъни “суд” муассасаси тушунилади¹.

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент, 2011. – Б. 14.



Суд муайян шахсга оид жиноят ишини суд мажлисида кўриб чиқиб **ҳукм чиқариш** вақтида қандай масалаларни ўрганиши керак?

Ушбу савол ҳаммани қизиқтиради, чунки жиноят иши судга тушган ҳар бир шахс ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиши, унга эълон қилинган айбни истисно этиш учун қонунчиликда кўрсатилган барча ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин.

Демак, суд қуйидаги масалаларни ҳал қилиши керак:

– жиноят иши кўрилаётган шахс дастлабки тергов органи томонидан унга эълон қилган жинойий қилмишни ҳақиқатан содир этганми;

– ушбу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у ЖКнинг қайси моддасида назарда тутилади;

– ушбу қилмиш бевосита ушбу шахс томонидан содир этилганми;

– агар қилмиш айнан ушбу шахс томонидан содир этилган бўлса, у айблими ва айбли бўлса, унинг айби нима билан исботланади.

Агар шахс томонидан содир этилган қилмиш ўз исботини топса:

– шахснинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми;

– шахс содир этган жинояти учун жазоланиши керакми, унга қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;

– унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси танланган бўлса, ушбу жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим;

– агар жиноят иши бўйича мулкый зарар келиб чиққан бўлса, у кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим;

– ашъвий далилларни нима қилиш керак;

– процесс чиқимларини кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

– шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми деган қонун талаблари атрофлича муҳокама қилинмоғи зарур¹.

Қайд қилинган масалалар шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан суд томонидан синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилганидан сўнг якуний хулосага келинади.

Айтиб ўтиш керакки кўпчилик орасида “оқланди”, “айби йўқ экан”, “суд оқлабди” деган сўзларни эшитамиз, аммо қонун нуқтаи назаридан қандай қилиб давлат айбловчиси – прокурор томонидан эълон қилинган айб суднинг ҳукми билан бекор қилиниб шахс оқланади, деган саволга жавобни кўпчилик билишни истар эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

Қонунчилик бўйича **оқлов ҳукми** суд жараёнида аниқланган ва ўз исботини топган учта ҳолатда чиқарилади:

– жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

– шахснинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлмаса;

– жиноят содир этилишига шахс дахлдор бўлмаса.

Ана энди **оқлов ҳукми** чиқариш учун асос бўладиган ушбу ҳолатларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз.

Дастлабки тергов органи ёки суриштирув томонидан муайян жиноят содир этган деб айбланаётган қилмиш юз бермаган бўлса ёки қонунда кўрсатилган оқибат ушбу шахс томонидан эмас, балки табиатнинг таъсир кучи натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ўзи ўзига зарар етказган бўлса, суд **жиноий ҳодиса юз бермаганлиги** сабабли айбланган шахсга нисбатан оқлов ҳукмини чиқариши керак (ЖПК 83-моддасининг 1-банди).

Мисол.

Д. ва С. исмли шахслар қўшни бўлиб яшаб келган, бир куни улар ўзаро сўз таллашиб жанжаллашган. Оқибатда С. жароҳат олиб касалхонага тушган, унинг танасига ўртача даражада шикаст етказилганлиги аниқланган. Фуқаро Д.га нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов органи томонидан тергов ҳаракатлари амалга оширилган. Кейинчалик фуқаро Д. қўшнисини С.га қасддан ўртача даражада шикаст етказганликда, яъни ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, унга нисбатан тўпланган жиноят иш материаллари судга ўтказилган.

Суд мажлисида ушбу жиноят иши ҳар томонлама кўриб чиқилиб, воқеа содир этилган куни жанжални фуқаро С. ўзи бошлаганлиги, айбланаётган фуқаро Д. унинг танасига бирорта ҳам шикаст етказмаганлиги, аксинча ўзи калтак

еганлиги, фуқаро С. қўшниси Д.ни айблаш учун ўзининг танаси (қўл ва оёқлари)га қаттиқ жисм билан жароҳат етказиб, касалхонага ётиб олганлиги ва дастлабки тергов жараёнида уни фуқаро Д. уриб тепганлиги ҳақида ёлғон кўрсатув берганлиги аниқланган.

Суд қайд этилган ҳолатларни ўрганиб чиқиб ва уларга ҳар томонлама ҳуқуқий баҳо бериб **жиноий ҳодиса юз бермаганлиги** туфайли фуқаро Д.га нисбатан оқлов ҳукмини чиқарди. Албатта, фуқаро С.нинг ноқонуний ҳаракатларига, яъни айбсизлиги аён бўлган шахсни жиноят содир этганликда ёлғон хабар берганлиги учун жавобгарликка тортиш масаласига тергов органи ҳуқуқий баҳо беради.

Жиноий ҳодиса юз бермаганлиги, яъни табиатнинг таъсир кучи натижасида зарар келиб чиққанлиги бўйича яна бир мисол.

К. исмли хусусий тадбиркорга тегишли омборхонада ёнғин бўлиб, унинг ичида сақланаётган барча маҳсулотлар ёниб кетган, натижада К.нинг мулкига жуда кўп миқдорда зарар етказилган. Фуқаро К. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиб, таниши фуқаро М. исмли шахс унга нисбатан адоватда бўлганлиги, чунки воқеа куни улар уришиб, фуқаро М. унинг барча маҳсулотларини йўқ қилишини айтиб кўрқитганлигини кўрсатиб, М.ни омборхонасига ўт қўйган деб ҳисоблаб, уни жавобгарликка тортишни сўраган.

Дастлабки тергов органи томонидан фуқаро М.га нисбатан ўзганинг мулкани қасддан нобуд қилиш (ЖКнинг 173-моддаси) бўйича айб эълон қилиниб, тўпланган жиноят иши судга ўтказилган.

Суд мажлисида фуқаро М. воқеа куни омборхона ёнида бўлган бўлса-да, у ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилганлиги, оловнинг келиб чиқишига чақмоқ сабаб бўлиб, у шамол

туфайли ривожланганлиги ва обморхона ёниб кетганлиги аниқланган. Ушбу ҳолатни суд аниқлаб, М.нинг ёнғинга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги сабабли **жиноий ҳодиса юз бермаган** деб топган ва фуқаро М.га нисбатан оқлов ҳукмини чиқарган.

Оқлов ҳукмини чиқариш учун асос бўладиган кейинги ҳолат – бу шахснинг қилмишида **жиноят таркиби бўлмаганлиги** (ЖПК 83-моддасининг 2-банди).

Жиноят таркиби бўлмаганлиги ҳолатини қуйидагича тушунтириш мумкин.

Жиноят кодекси махсус қисмининг ҳар бир моддаси ижтимоий хавfli қилмишни назарда тутди (масалан, босқинчилик), бундай қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун **таркиб** бўлиш зарур, яъни унинг тўртта элементлари: субъект, субъектив томон, объект, объектив томон мавжуд бўлиши шарт. Агар шахснинг ҳаракатларида ушбу тўртта элементларидан биттаси топилмаса, шахс **жиноят таркиби бўлмаганлиги** сабабли оқланади.

Энди ушбу аҳамиятли элементларни кенгроқ кўриб чиқамиз.

Субъект деганда қилмишни содир этган шахс, унинг ёши, ақли расолиги тушунилади. Қонун бўйича шахс жиноий жавобгарликка тортилиши учун у ақли расо ва тегишли ёшга тўлган бўлиши керак.

ЖКнинг 17-моддасида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёшлари белгиланган. Масалан, оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича жиноий жавобгарлик 13 ёшдан бошланади, босқинчилик жинояти 14 ёшдан, фирибгарлик жинояти 16 ёшдан, бошқа жиноятлар учун ҳам қонунда жиноий жавобгарликнинг ёши кўрсатилган¹. Демак, ЖКда кўрсатилган жиноятни содир этган шахс қонунда ушбу жиноят учун белгиланган ёшини

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2019.

тўлдирмаган бўлса, жиноят таркибининг битта элементи – субъекти мавжуд эмаслиги сабабли шахс оқланади.

Мисол учун, одам ўлишига сабаб бўлган автоҳалокат (ЖКнинг 266-моддаси) жиноятини содир этган 16 ёшга тўлмаган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, чунки ушбу жиноят учун жавобгарлик 16 ёшдан бошланади, яъни шахс ҳолат куни тўлиқ 16 ёшда бўлиши керак. Акс ҳолда вояга етмаган шахс ички ишлар ҳузуридаги вояга етмаганлар бўйича комиссиясининг назорати остига олинади.

Бундан ташқари, **субъект** сифатида шахснинг ақли расолиги ҳам тушунилади, чунки жиноий жавобгарликка фақат ақли расо шахс тортилиши мумкин. Агар шахснинг ақли расо эканлиги бўйича гумон бўлса, терговчи ёки суд тегишли мутахассисларни жалб қилиб, бу ҳақида асослантирилган ҳулосани талаб қилади.

Жиноятнинг яна бир элементи – бу **субъектив томон**, яъни айбдор томонидан бевосита ЖКда назарда тутилган муайян жиноятни содир этишдаги ҳаракатлари, унинг сабаблари, жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши тушунилади. Мисол учун, шахс қотиллик жиноятини содир этишда ушбу жиноятнинг ижтимоий хавfli эканлигини англайди ва ўз хоҳиши билан одамни ҳаётдан маҳрум этади, ушбу ҳаракатлари билан бундай шахс ЖКнинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъектив томонини амалга оширади. Агар шахснинг қайд қилинган ҳаракатлари ўз исботини топмаса, қотиллик жиноятининг субъектив томони мавжуд бўлмайди ва шахс оқланиши керак.

Жиноят таркибининг кейинги элементи – жиноятнинг **объекти**. **Объект** – бу қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабат. Унга қарши бир ёки бир неча жиноятлар бевосита ва тўғридан-тўғри йўналтирилади.

Масалан, ўғрилик, босқинчилик, талончилик, фирибгарлик жиноятларининг **объекти** шахсий мулкка боғлиқ муносабатлар. Чунки ҳар бир шахснинг мулки қонун билан ҳимоя қилинган, унга тажовуз этиш, уни ноқонуний эгаллаш, албатта, жиноят ҳисобланади. Ёки қотиллик, баданга шикаст етказиш жиноятларининг **объекти** – инсоннинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар.

Яна бир мисол. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар қаторига кирувчи пора олиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансабга совуққонлик билан қараш, мансаб сохтакорлиги ва бошқа жиноятларининг объекти нима? Буларнинг **объекти** – қонун билан ҳимояланган ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартиби бўлади. Масалан, пора олувчи – мансабдор шахс, авваламбор, ушбу тартибнинг тўғри ишлашига қарши ҳаракат қилади, ўз мансабидан фойдаланиб пора олади.

Шуни айтиш жоизки, шахсни пора олганликда айблаш учун ушбу шахс мансабдор бўлиши (жиноятнинг субъекти) ва унинг ҳаракатлари юқорида қайд қилинган органлар фаолиятининг тўғри ишлашига қарши (жиноятнинг объекти) бўлиши керак.

Жиноят таркибининг охириги элементи – **объектив томон.**

Объектив томон деганимизда қонун билан қўриқланган ижтимоий муносабатларга етказилган зарар, шахснинг жинойий ҳаракатлари ва келиб чиққан оқибатлари билан узвий боғланишда бўлган, содир этилган хавфли қилмишнинг ташқи кўриниши: унинг аниқ тури, жойи, вақти, усули ва бошқа ҳолатлар тушунилади. Мисол билан айтганда, қотиллик жиноятининг **объектив томони** – бошқа шахснинг ҳаётдан маҳрум қилишдан иборат бўлган ҳаракатлар (унинг вақти, жойи, усули ва ҳ.к.), келиб чиққан оқибатлар – ўлим, жинойий ҳаракатлар ва келиб чиққан ўлим билан узвий боғланиш. Демак, мазкур жиноятнинг **объектив томони**

мавжуд эмас, шахс оқланиши керак деганда қотилликнинг вақти, жойи, усули ҳақидаги маълумотлар аниқ эмаслиги, юзага келган ўлим билан айбланаётган шахснинг ҳаракатларида узвий боғланиш бўлмаганлиги тушунилади.

Мисол.

Д. исмли шахс Б. исмли шахснинг кўкрак қафасига қўли билан бир неча урган, кейинчалик Б. касалхонада вафот этган, аммо ўлим Д. томонидан етказилган жароҳат оқибатида эмас, балки Б.нинг юраги инфаркт бўлганлиги сабабидан юзага келган. Фуқаро Д. томонидан етказилган жароҳатлар оғир жароҳатлар қаторига кирмаган, ушбу жароҳат ва келиб чиққан ўлим ўртасида узвий боғланиш бўлмаган. Шу сабабли Д. исмли шахснинг ҳаракатларида қотиллик жиноятининг **объектив томони** мавжуд эмаслиги сабабли у оқланиши керак.

Тушунтириш берилган жиноят таркибининг ушбу тўртта элементларидан биттаси мавжуд бўлмаса, шахс оқланиши керак. Бу ҳолатлар суд мажлисида судья томонидан аниқланиб, уларга ҳуқуқий баҳо берилиб, шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилади.

Оқлов ҳукмини чиқариш учун асос бўладиган охириги ҳолат бу – жиноят содир этилишига **шахснинг дахлдор бўлмаган ҳолати** (ЖПК 83-моддасининг 3-банди).

Қайси ҳолатларда шахс жиноятга дахлдор бўлмайди?

Агар ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берганлиги ва оқибатининг келиб чиққанлиги аниқланган бўлиб, ушбу қилмишни содир этган деб муайян шахс айбланса, бироқ ўша шахснинг мазкур жиноятни содир этганлиги исботланмаган бўлса, шахс бу жиноятга дахлдор эмаслиги сабабли оқланади.

Ушбу ҳолатларни мисолда кўриб чиқамиз.

Фуқаро С.нинг уйига Б. ва Г. исмли шахслар меҳмонга келган. Улар узоқ вақт ўтириб, кечроқ қайтишган. Эртаси куни уй эгаси С. ётоқхонасидаги кийим шкафига қўйилган тилла тақинчоқлар йўқолганлиги аниқланди. Фуқаро С. дарҳол ички ишлар органига мурожаат этиб, ўғрилик юзасидан уйига келган меҳмонларидан гумон қилаётганлигини айтган. Тергов ишлари бошлангач, меҳмонда бўлган Б. ва Г. сўроқ қилинган, аммо улар ўғриликка қўл урмаганлигини баён этган. Шунга қарамасдан, дастлабки тергов органи томонидан уларнинг кўрсатмалари жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида берилган деб баҳоланиб, ушбу шахслар фуқаро С.нинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилганликда айбланиб, улар қамоққа олинган. Кейинчалик суд жараёнида ўғрилик юзасидан барча ҳолатлар ўрганиб чиқилиб, ҳақиқатан ҳам, тилла нарсалар йўқолганлиги, Б. ва Г. исмли шахслар ўша куни С.нинг уйида меҳмонда бўлганлиги, улар кетишлари биланоқ ўғрилик аниқланганлиги ўз исботини топган. Аммо айнан Б. ва Г. яширин равишда С.га тегишли қимматбаҳо нарсаларни эгаллаганликлари суд мажлисида исботланмаган, ўғриликни кўрган гувоҳлар бўлмаган, айбланаётган шахсларнинг ёнидан, уйларида ашёвий далиллар, яъни тилла тақинчоқлар топилмаган, бевосита айбланувчи Б. ва Г. жиноят қилмаганликларини, С. уларнинг ўртоғи эканлигини кўрсатиб, айбини инкор этган.

Шундан сўнг суд фуқаро С.нинг қўшниларини сўроқ қилишни маъқул кўрди. Суднинг ушбу ҳаракатлари ўз натижасини берди. Жабрланувчи С. билан қўшни яшаётган фуқаро М.нинг вояга етмаган мактаб ўқувчиси К. исмли фарзанди С.нинг вояга етмаган Д. исмли ўғли билан синфдош бўлиб, улар яқинда биргаликда қимматбаҳо “Playstation” ўйин қурилмасини сотиб олганликлари аниқланди. Кейинчалик судда сўроқ қилинган жабрланувчи С.нинг ўғли Д. исмли ёш

бола “Playstation” сотиб олиш учун уйдаги қимматбаҳо буюмларни яширин равишда олиб, уларни синфдоши К. билан бозорда сотганлигини айтган. Албатта, бу ҳолатлар Б. ва Г. шахсларни оқлаш учун сабаб бўлди, чунки улар **жиноятга дахлдор бўлмаган.**

Агар эътибор берсангиз, ҳақиқатни аниқлаш учун судьянинг иши жуда ҳам машаққатли, судья шахсга эълон қилинган айбнинг ҳар бир ҳолатига диққат билан ёндашади, уларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда шахсни жиноий жавобгарлика тортиш учун қонун талабларини, яъни жиноий ҳодиса юз берган-бермаганлигини, жиноят таркиби бўлган-бўлмаганлигини, шахс жиноятга дахлдор-дахлдор эмаслигини эҳтиёткорлик билан текширади.

“Суд уни оқлаган” деган гапларни эшитсангиз, демак, суд мажлисида ўша одамга нисбатан эълон қилинган айб синчковлик билан текширилиб, юқорида муҳокама қилинган учта асосларнинг бирига кўра ўз тасдиғини топмаган, деб тушуниш керак.

Албатта, ҳақиқатни аниқлаш, содир этилган жиноятда шахс айбдор-айбдор эмаслиги масаласини ечиш бу суднинг бурчидир. Шунинг учун ушбу ваколатларни амалга оширишда суд фақат қонунга бўйсунishi керак.

Шу сабабли Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан қонун устуворлигини таъминлаш институтини шакллантиришга боғлиқ эканлиги, суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши кераклиги, бу борада судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиз бўлганлиги¹ ҳақида асосли таъкидлаб ўтган деб ҳисоблаймиз.

¹ <https://www.pv.uz/uz/newspapers/>.

2. РЕАБИЛИТАЦИЯ ДЕГАНИ НИМА?



Давлатимиз нафақат ҳар бир жиноятчини жавобгарликка тортиш, уни ҳукм қилиш ва унга адолатли жазо тайинлаш, балки ҳеч қандай айбсиз одамни ноқонуний таъқиб қилишга, уни жиноят ёки айбланишга йўл қўймасликка манфаатдор.

Шунинг учун ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилган шахсни оқлаш, унинг шаъни ва кадр-қиммати, мулкӣ ҳолати ва бошқа бузилган ҳуқуқларини бартараф этиш жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилдан кам бўлмаган, одил судловнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Энди оқлов ҳукми билан боғлиқ яна бир муҳим масалани муҳокама қилиш зарур. Бу – шахснинг реабилитацияси.

Реабилитация дегани нима? Ушбу саволга оддий тил билан жавоб берсак, реабилитация бу – дастлабки терговда ёки суриштирувда жиноий жавобгарликка тортилган, кейинчалик жиноят иши тугатилган ёки оқлов ҳукми чиқарилган ҳолда ноҳақ айбланган шахснинг барча ҳуқуқларини тиклаш, бартараф этиш, нафақат обрўси, шаъни ва кадр-қиммати, балки моддий зиённи қоплаш, оммавий ва хизмат соҳасига доир маҳрум қилинган ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамиятда унинг ҳалол номини тиклаш.

Реабилитациянинг асослари ЖПКнинг 83-моддасида аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. Юқорида кўрсатганимиздек, булар жиноий ҳодиса юз бермаганлиги, жиноят таркиби мавжуд эмаслиги, шахснинг жиноятга дахлдор эмаслиги туфайли жиноят ишини тугатиш, шахсни оқлаш, уни айбсиз эканлигини судда тан олиш ҳисобланади.

Реабилитация ҳуқуқига ким эга? Қонуннинг ушбу талабини кенг маънода ўрганиб чиқсак, суднинг ҳукми билан оқланган шахслар билан бирга, ҳар бир айбланаётган шахс, айблов ҳукми чиқарилган маҳкумга, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтаётган маҳкумлар ҳам реабилитация ҳуқуқига эга бўлади. Албатта, уларнинг реабилитацияга бўлган ҳуқуқлари айблов ҳукми бекор қилинган ёки жиноят иши тугатилганидан сўнг келиб чиқади.

Ҳар қандай шахс реабилитация орқали унга нисбатан ноқонуний ва асоссиз эълон қилинган айб бекор қилинганидан сўнг ўзининг шахсий ҳуқуқларини тиклаши мумкин. Ушбу ҳуқуқларни таъминлаш давлат томонидан амалга оширилади, чунки ноҳақ одамни айбдор деб топиш ҳақидаги терговчи ёки суднинг адолатсиз қарори туфайли фуқароларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олиб, барча харажатларни қоплаши керак.

Қонун бўйича реабилитация қилинган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда, унинг мулкӣ, меҳнат, нафақа, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларини тиклаш тушунилади.

Асоссиз жабр кўрган одамга мулкӣ зиённи қоплаш бўйича қонунчиликда бир неча талаблар кўрсатилган.

Жумладан, реабилитация қилинган шахс ўзига нисбатан амалга оширилган ноқонуний ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва бошқа меҳнатдан топиладиган даромадларини, тўхтатиб қўйилган пенсия, нафақаларни қоплаб олиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, агар адолатсиз қарор оқибатида шахснинг мулки мусодара қилиниб, давлат фойдасига ўтказилган бўлса, барчаси қайтарилади, бундай мулк йўқотилган тақдирда, унинг қиймати реабилитация қилинган шахсга давлат томонидан қайтарилиши шарт.

Шу билан бирга, агар реабилитация қилинган шахс дастлабки тергов, суриштирув ва суд жараёнида ҳимоячи ёрдамидан фойдаланган бўлса, адвокатга тўланган барча пуллари унга тўлиқ қайтарилади.

Яна бир муҳим ҳолатга эътибор беришимиз керак.

Баъзи ҳолларда шахснинг оқланиши, унинг ноҳақ судланганлиги маълум вақт ўтганидан сўнг аниқланиб, унга нисбатан асоссиз чиқарилган айблов ҳукми бекор бўлиб, ушбу шахс оқланади, аммо ушбу ҳолат, афсуски, одам вафот этганидан сўнг юзага келиши мумкин.

Дарҳақиқат, оқлов ҳукми ҳар қандай вақтда ҳам керак, чунки унинг аҳамияти нафақат ноҳақ судланган шахс учун, балки унинг қариндошлари ва яқинлари учун муҳимдир. Шу сабабли қонунда бундай ҳолатлар алоҳида қайд қилиниб, асоссиз айбланган ёки ноҳақ судланган шахс вафот этганидан сўнг реабилитация қилинса, унинг барча ҳуқуқлари, шу жумладан мулкӣ, меҳнат, нафақа, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари оила аъзоларининг фойдасига ҳал бўлади (ЖПКнинг 304-моддаси).

Реабилитация қилинган шахс қонуний ҳуқуқларидан қандай фойдаланиши мумкин?

Суд мажлиси жараёнида шахсга эълон қилинган айб ўз исботини топмаганлиги сабабли суд унга нисбатан **оқлов ҳукмини** чиқаради. Мазкур оқлов ҳукмининг қарор қисмида суд оқланган шахсга ЖПКнинг 304-моддасида назарда тутилган тартибда асоссиз жиноий жавобгарликка тортилиш оқибатида келиб чиққан мулкӣ зиённи қоплаш ҳуқуқларини тушунтириб беради.

Шундан сўнг реабилитация қилинган шахс иш ҳақи, барча даромадлари, нафақа ёки бошқа мулкӣ зиённи қоплаш масаласида оқлов ҳукмини чиқарган судга ариза билан мурожаат этади. Қонунга кўра, ушбу ариза келиб тушган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан оқланган шахс барча ҳуқуқлари, етказилган мулкӣ зиённи қоплаш масаласи суд томонидан ҳал қилиниши керак. Зарурат туғилганда суд молия органлари ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимларидан ҳисоб-китоб талаб қилади ва оқланган шахснинг фойдасига барча мулкӣ зиённи қоплаш бўйича қарор чиқаради.

Шу билан бир қаторда, оқланган шахс тергов ёки суд органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари оқибатида унга нисбатан етказилган маънавий зарарни ҳам ундириш масаласи юзасидан фуқаролик иш юритув тартибида даъво кўзғатиб, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши мумкин.

Мисол.


М. исмли шахс безорилик жиноятини содир этганликда айбланиб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва ушбу жазони ўташ учун тегишли колонияга жўнатилган.

Табийки, М. иш жойидан бўшаган ва унинг иш ҳақи йўқотилган. Кейинчалик М. жиноятга даҳлдор эмаслиги туфайли юқори инстанция судида оқланиб, ўзининг меҳнат ҳуқуқларини тиклаш масаласида ариза билан мурожаат этган. Суд М.нинг аризасини кўриб чиқиб, уни ишга тиклаб, асоссиз қамокда бўлган даври учун йўқотган даромадини қоплаб берган. Шу билан бирга, дастлабки тергов жараёнида хатланган ва кейинчалик давлат фойдасига ўтказилган М.га тегишли мулк қайтарилди.

Хулоса қилиб айтганда, агар шахс реабилитация қилинган бўлса, унинг ноҳақ судланганлиги суриштирувчи, терговчи,

прокурор ёки судья томонидан қонун талабига риоя қилинмаганлиги, шахснинг ҳаракатларига тўғри баҳо берилмаганлиги ёхуд мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганлиги оқибатида келиб чиққан бўлишидан қатъи назар, унга етказилган зарар давлат хазинасидан қопланади. Бундай ҳолатда жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг интизомий жавобгарликка тортилиш масаласи ҳам кўриб чиқилади.

3. СУДЛАНГАНЛИКНИ ОЛИБ ТАШЛАШ УЧУН НИМАНИ БИЛИШ КЕРАК?



Судланганлик – ҳукм қилинган шахснинг муайян ҳолати, унга нисбатан тайинланган жазонинг ҳуқуқий оқибатлари десак бўлади.

Агар юз берган ижтимоий хавфли қилмишда шахснинг айби суд мажлисида тўлиқ исботланса, суд жиноят содир этган шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқаради ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлайди, шу вақтдан бошлаб ушбу шахс **судланган** ҳисобланади.

Аммо қонунчиликда шахсга нисбатан айблов ҳукми чиққанидан сўнг маълум бир вақт ўтиб ўша шахсни “судланмаган” деб топиш учун тартиб-қоидалар мавжуд. Унга кўра, содир этилган қилмиш учун суднинг ҳукми билан шахсга қўлланилган жазонинг тури ва муддати аҳамиятли бўлиб, унга қараб шахснинг судланганлик ҳолати қанча вақт давомида амалда бўлиши ҳамда қачон тугалланиши белгиланади (ЖКнинг 78, 79-моддалари).

Демак, қонун судланганлик ҳолати барҳам топишининг фақат икки усулини – унинг тугалланиши ва олиб ташланишини назарда тутати¹.

Судланганлик ҳолатининг	
<i>тугалланиши</i>	<i>олиб ташланиши</i>
қонунда белгиланган муддатлар тугагандан сўнг судланганлик ҳолати автоматик равишда тугалланади. Бунда суд қарори чиқарилмайди.	шахс жазони ўтаб чиққанидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, шахс намунали хулқи билан ўзини кўрсатиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиб келса, суд ажрим чиқариш йўли билан муддатидан олдин судланганлик ҳолатини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу иккита усул ҳақида гапиришдан олдин содир этилган жиноятлар учун ЖКда бир неча жазо турлари назарда тутилганлигини айтиб ўтишимиз керак. Жазо тизимига синов муддати белгиланган ҳолда шартли жазо тайинлаш, жарима, мажбурий жамоат ишлари жазоси, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш, ахлоқ тузатиш, муайян ҳуқуқдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленум қарорларининг тўплами. – Т.: Адолат, 2016.

махрум қилиш, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш каби жазолар киради.

Ҳар бир жазо содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига суд томонидан баҳо берилганидан сўнг муайян муддатга тайинланади. Суд ҳукми билан тайинланган жазони шахс тўлиқ ҳажмда ўташи керак. Аммо жазони тўлиқ ўтаб чиққан ёки ярмини ўтаган шахс судланганлик ҳолатини тугатиш ёки уни олиб ташлаш ҳуқуқига эга.

Демак, судланганлик ҳолатининг **тугалланиши** қачон бўлади?

Шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги ҳолатларда **тугалланади**:

– шартли ҳукм қилинганларга нисбатан – синов муддати тугаган кундан бошлаб;

– мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;

– жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

– озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин – икки йил ўтгач;

– беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – тўрт йил ўтгач;

– беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – етти йил ўтгач;

– ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтгач **тугалланади**¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2019.

Энг муҳими, ушбу муддатлар ўтганидан кейин шахс автоматик тарзда ўз-ўзидан судланмаган ҳисобланади.

Мисол.

Фуқаро П.га суднинг 2014 йил 1 сентябрь кунги ҳукми билан беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, унга нисбатан икки йил синов муддати белгиланган. Фуқаро П. синов муддати давомида бошқа жиноятни содир этмаган, шу сабабли унинг синов муддати икки йилдан сўнг, яъни 2016 йил 1 сентябрь куни тугаган. Шу билан бирга, тайинланган беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам тўлиқ ўчиб кетади ва П.нинг судланганлик ҳолати 2016 йил 1 сентябрдан бошлаб **тугалланади** ва шу кундан П. автоматик ҳолда судланмаган ҳисобланади.

Кейинчалик П. исмли шахс ҳукм чиқарган судга мурожаат этиб, унинг судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги ҳақида ёзма равишда маълумот сўраган. Суд П.нинг аризасини қаноатлантириб, унинг судланганлиги ҳолати **тугалланганлиги** ҳақида ёзма равишда маълумот тақдим қилган.

Худди шундай яна бир мисол. 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига 2010 йил 10 май куни ҳукм қилинган шахс ушбу жазони 2015 йил 10 май куни тўлиқ ўтаб чиққан бўлган ҳолатда ЖКнинг 78-моддаси асосида унинг судланганлик ҳолати жазони ўтаб чиққанидан сўнг тўрт йил ўтгач ўз-ўзидан автоматик ҳолда **тугалланади**, яъни 2019 йил 10 май куни. Демак 2019 йил 10 майдан бошлаб ушбу шахс судланмаган ҳисобланади. Автоматик ҳолатда тугалланган судланганлик ҳолати юзасидан ёзма равишда маълумот олишни хоҳлаган шахс судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Хулоса қилиб айтганда, қонун бўйича судланганлик ҳолати автоматик тарзда ўз-ўзидан **тугалланганидан** сўнг шахс судланмаган ҳисобланади ва унинг барча ҳуқуқий оқибатлари сўзсиз бекор бўлади.

Судланганликнинг **олиб ташланиши** ҳолати бошқача бўлади. Унга кўра шахс суднинг ҳукми билан тайинланган жазони ўтаб чиққанидан сўнг юқорида ҳар бир жазо учун саналган муддатларнинг камида ярмини ўтаган бўлиб, судга судланганликни олиб ташлаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Суд томонидан илтимоснома батафсил кўриб чиқилади, жазони ўтаб чиққанидан кейинги даврда шахсга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, у ўзининг намунали хулқини кўрсатиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиб келса, суд муддатидан олдин судланганлик ҳолатини **олиб ташлаш** ҳақида ажрим чиқаради.

Қонунга кўра муддатидан олдин судланганлик ҳолатини олиб ташлаш бўйича нафақат судланган шахс, балки унинг ҳимоячиси, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин.

Мисол.

В. исмли шахс 2015 йил 20 март куни 3 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, бу жазони В. ўзининг иш жойида 2018 йил 20 мартга қадар тўлиқ ўтаб чиққан. Қонун бўйича В.нинг судланганлик ҳолати жазони тўлиқ ўтаганидан кейин бир йилдан сўнг, яъни 2019 йил 20 март куни тугалланади. Аммо В. яшаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи 2018 йил 10 май куни судга илтимоснома билан мурожаат этиб, фуқаро В. суд томонидан тайинланган жазони тўлиқ ўтаганлиги, унинг судланганлиги ҳолати тугалланишига қонунда белгиланган муддатининг **ярмидан кўпроқ** вақти ўтганлиги, В. тўғри йўлга тушиб, жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб, ўзини ижобий томондан кўрсатганлиги учун унинг судланганлик ҳолатини муддатидан олдин олиб ташлашни сўраган.

Ушбу илтимоснома судда қаноатлантирилиб, В.нинг судланганлик ҳолатини муддатидан олдин олиб ташлаш ҳақида ажрим чиқарилди.

Судланганликни олиб ташлаш ёки унинг тугалланишининг ҳуқуқий оқибатлари жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки жиноят содир этган ва ҳукм қилинган ота-оналарнинг судланганлик ҳолати уларнинг фарзандларига таъсир қилади. Албатта, яхши ўқиган, олий даргоҳларни тугатган, келажакда давлатга хизмат қиламан деган ёш авлодларимиз ўзларининг орзу-ниятларига етишлари, уларга бундай ҳолатлар тўсқинлик қилмаслиги керак.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида кимнингдир отаси ёки акаси, қариндошлари судланган ёки қамалган деган вазият билан яхши-яхши кадрлар бошқарувга яқин йўлатилмаганлигини таъкидлаб, кўп йиллардан буён ўз ечимини топмай келаётган жуда муҳим, аниқроқ айтганда, муаммоли масалага – судланганлик ҳолатига эътибор қаратди¹.

Судланганлик ҳолатига оид масалаларни ойдинлаштириш, шахсга тегишли барча маълумотларни ахборот технология йўллари орқали олишни осонлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги 797-сонли қарориди батафсил кўрсатилган. Энди Давлат хизматлари марказлари орқали шахснинг муқаддам судланганлиги, жинойий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлиги, реабилитация қилинганлиги, жавобгарликдан озод этилганлиги ҳолатларига оид маълумотномалар бериш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Республикамызда кенг кўламда оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари қонун устуворлигини барпо этиш, чинакам одил судловни амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

¹ <https://www.pv.uz/uz/ncwspapers/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziceva-olij-mazhlisu->

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2019.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991–2006): расмий нашр. Биринчи жилд / Н.З. Ташматов умумий таҳрири остида; Таҳрир хайъати: Б.Ў. Жамолов ва бошқ. / Сборник Постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. I том. / 1991–2006. – Т.: Адолат, 2006. – Б. 494.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент, 2011. – Б. 14.
5. <https://www.prezident.uz>
6. <https://www.xabar.uz/huquq/>
7. <https://www.pv.uz/uz/newspapers/>
8. <https://www.uznews.uz/>

СУЮНОВА ДИЛБАР ЖОЛДАСБАЕВНА

**ОҚЛАНИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯГА ЭРИШИШ
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

Рисола

Масъул муҳаррир: Ҳ. Салоева

Муҳаррир: С. Тошева

Техник муҳаррир: У. Сапаев

Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражапов

Босишга рухсат этилди: 16.06.2020.

Ҳажми: 1.8 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 20.

Тошкент давлат юридик университети

Типография бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.